**Emro Science and Education**
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · “Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24319923

**“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”**

# МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ ВА ДАСТУРИЙ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ

**ШЕРХОН САЙФУТДИНОВ**
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети департаменти, Бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолаш ва дастурий-максадли услубларини жорий этиш бўлими бошлиғи, ТДИУ мустақил изланувчи.

**Аннотация:** Мазкур тезисда Миллий стратегияда вазирлик ва идораларнинг мақсадлари, уларнинг стратегик хужжатларини қабул қилиниши ва уларга эришида дастурий бюджетлаштириш тизимнинг аҳамияти бўйича таҳлил ўтказилди.

Миллий стратегия ва вазирлик ва идораларнинг ўрта муддатга мўлжаланган стратегияларининг назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилди.

**Калит сўзлар:** Миллий стратегия, стратегия, консепция, дастурий бюджетлаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, бюджет дастурлари, стратегик мақсад, мақсадли индикаторлар, мониторинг, харажатларнинг самарадорлиги, бюджет ресурслари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони қабул қилинди.

Бунда:

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда реал шароитга мос, **ўлчаш ва баҳолаш имкони мавжуд самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш;**

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси билан белгиланган ўрта муддатга мўлжалланган мақсадларнинг **самарадорлик кўрсаткичларини янги чақириқлар ҳамда шиддат билан ўзгараётган умумжаҳон тенденцияларига мувофиқ ҳолда янгилаш**;

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси **мақсадларига эришилишини мониторинг қилиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш**;

соҳа, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш **бўйича стратегик режалаштириш ҳужжатларининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси билан уйғунлигини таъминлаш** мақсад қилиб олинди.

Мазкур ҳужжат билан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аввал белгилаб олинган 100 та мақсадлар умумжаҳон тенденцияларига мувофиқ ҳолда



Published: 05.06.2026

**Cite this article:** Шерхон Сайфутдинов (2026). Миллий стратегия ва дастурий бюджетлаштириш ўртасидаги боғлиқликнинг назарий асослари ва таҳлили. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319923

*© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.*

янгиланди, шу билан бирга кўрсаткичлар ўлчаш ва баҳолаш имкони мавжуд самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги “Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-201-сон Фармонига мувофиқ стратегик аҳамиятга эга ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашни ўз ичига олган стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизими жорий этиш мақсад қилиб олинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 29 декабридаги “Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш ва самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-394-сонли қарори тасдиқланиб, унда стратегик режалаштиришни ташкил этиш, стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқанди.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиши энг аввало Миллий стратегияда белгиланган мақсадларга эришишда вазирлик ва идораларнинг ўрта муддатга мўлжаланган стратегик режалаштириш ҳужжатларини ягона форматда ишлаб чиқиш имкониятни яратади.

Шу билан бирга, стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш дастурий бюджетлаштириш усули орқали амалга оширилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг стратегик мақсади ва унга эришиш учун талаб этиладиган маблағлар миқдорини бюджет дастурларида режалаштирилишини таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагиларни кўришимиз мумкин.

**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги мақсадлари**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **7-мақсад.** Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш. | **6-мақсад.** Профессионал таълим тизимини– ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш. | **9-мақсад.** Фундаментал тадқиқотларни замон талабларидан келиб чиқиб янги йўналишлар билан бойитиш. | **8-мақсад.** Олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш. |

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

**Белгилаб олинган 2026-2028 йиллар учун бюджет дастурлари**

| 1-бюджет дастури | 2-бюджет дастури | 3-бюджет дастури | 4-бюджет дастури |
|---|---|---|---|
| Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш дастури учун 13,8 трлн сўм. | Касбий таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш дастури учун 4,8 трлн сўм. | Илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш дастури учун 1,3 трлн сўм. | Маъмурий бошқарув дастури учун 230 млрд сўм. |
| Ушбу дастур билан 6 та мақсадли индикатор белгилаб олинади. | Ушбу дастур билан 3 та мақсадли индикатор белгилаб олинади. | Ушбу дастур билан 3 та мақсадли индикатор белгилаб олинади. | Ушбу дастур билан 5 та мақсадли индикатор белгилаб олинади. |

**Мақсадли индикаторлар 2026-2028 йиллар учун**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1–индикатор:** Олий таълим билан қамров даражасини амалдаги 44 фоиздан 45 фоизга етказиш. | **1–индикатор:** Таълим сифатини ошириш ҳамда 9-синф битирувчиларини касбий таълим билан қамровини амалдаги 29 фоиздан 34 фоизга етказиш. | **1–индикатор:** Олий таълим ташкилотларида илмий салоҳиятни ошириш орқали илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг улушини амалдаги 50 фоиздан 53,5 фоизга етказиш. | **1–индикатор:** Вазирликнинг корруп-цияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рейтинг кўрсаткичини 81 баллдан юқори бўлишини таъминлаш. |

**Қуйи дастур ва тадбирлар номи**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1-қуйи дастур:** қабул параметрларини | **1-қуйи дастур:** Касбий таълимни ўқув меъёрий ва | **1-қуйи дастур:** 2000 нафар профессор-ўқитувчилар илмий | Индикатор ижроси таъминлаш учун амалга ошириладиган **4 та** |

жорий йилдаги 219 минг нафардан 230 минг нафарга етказиш учун 13,1 трлн сўм;

Қуйи дастурни ижроси таъминлаш учун амалга ошириладиган **тадбирлар:**

-105 та олий таълим ташкилотларининг иш хақи, сақлаш харажатлари учун 13 трлн сўм;

-олий таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун 2 млрд сўм;

-хорижий тилларни ўқитишни ташкил этиш учун 7 млрд сўм;

- олий таълим ташкилотлари кутубхона фондини 185 минг дона замонавий адабиётлар билан бойитиш учун 91 методик мувофиқлаштириш учун 4,7 трлн сўм ажратилади.

Қуйи дастурни ижроси таъминлаш учун амалга ошириладиган **тадбирлар:**

-644 та техникумни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва 300 нафар педагогни хорижий стажировкага юбориш учун 600 млрд сўм.

-95 та ўрта махсус ва 644 та касбий таълим ташкилотларининг иш хақи, сақлаш харажатлари учун 3,9 трлн сўм;

-644 та техникумни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва 300 нафар педагог кадрларини хорижий стажировкага юбориш учун 600 унвонга эга бўлишига 19 млрд сўм.

Қуйи дастурни ижроси таъминлаш учун амалга ошириладиган **тадбир:**

-олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган ва фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар умумий сонини амалдаги 16 минг нафардан 18 минг нафарга, шунингдек 40 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улушини 78,3 фоизга етказиш учун 445 млрд сўм.

**тадбир белгиланади**:

-коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш;

-коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларини ташкил этиш;

-коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларни ташкил этиш;

-ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид билим ва кўникмаларини ошириш бўйича семинарлар ташкил этиш.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

млрд сўм. млрд сўм.

Таҳлил натижасидан шуни куришимиз мумумкинки унда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Миллий стратегияда белгиланган асосий 4 та мақсади учун 4 та бюджет дастури белгиланган бўлиб уларни ижроси учун 2026 йилда 20,2 трлн сўм бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ажратилиши прогноз қилинган.

Бунда ушбу 4 та бюджет дастурларида 19 та қуйи дастур ва 46 та мақсадли индикаторлар белгиланган.


Мазкур вазирликнинг 2026-2028 йиллар учун бюджет харажатлари синов тариқасида бюджет дастурлари кесимида ишлаб чиқилинган.

Стратегик режалаштириш ва дастурий бюджетлаштириш ўртасида боғлиқликни қуйидаги схема орқали таҳлил қилиб кўрсак.




Бундан ташқари соғлиқни сақлаш йўналиши бўйича стратегик мақсад ва ундаги мақсадли кўрсткичлар таъсир (импакт) ҳамда бюджет дастурларида мақсадли кўрсаткичларнинг (инпут оутпут оуткам) боғлиқлиги бўйича қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин.

## Мақсадли индикатор занжири бўйича мисол



Мазкур таҳлиллардан кўришимиз мумкинки Ўзбекистон Республикасида стратегик режалаштириш ҳамда дастурий бюджетлаштириш бўйича етарлича хуқуқий хужажатдар қабул қилинган биргини эндикликда вазирдлик ва идораларга ажратилаётган маблағлар бюджет датсурлар кесмида тақсимланиши ҳамда эришиладиган мақсадли индикаторлдларини ҳисобдорлигини ошириш талаб этилади.

**Назарий услубий адабиётлар:**

1. “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонун 25.12.2025 йилдаги ЎРҚ-1105-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрсидаги ПФ-158-сонли Фармони 1-илова 14 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги “Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-201-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 29 декабридаги “Стратегик режалаштириш ва ривожланиш тизимини янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш ва самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-394-сонли қарори.
6. 2026 йил учун бюджетнома.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-344-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хакида”ги 4-сон қарорининг 2-5 бетлар.

9. Бирлашган БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ва БМТнинг Тараққиёт Дастури (БМТТД) доираси жалб қилинган эксперт Йорг Надолльнинг ҳисоботи 113-6.

10. И.А. Азизова Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. Тошкент – 2010й.

11. “PEMPAL” Бюджет жамиятининг 2020 йил июн ойидаги ҳисоботи, BCOP@worldbank.org.

12. OECD Best Practices for Performance Budgeting Ts. Andrew.Blazey@oecd.org, Sherie.Nicol@oecd.org

13. Order N385/2011 issued by the Ministry of Finance of Georgia on Adoption of Rules and Methodology of Program Budgeting, https://www.mof.ge/images/File/budget_legislation/METHODOLOGY_OF_PROGRAM_BUDGETING.pd

14. АҚШ Ғазначилик Департаменти эксперти Сета Вандигрифтнинг ҳисоботлари.

15. Program Classification for Performance-Based Budgeting: How to Structure Budgets to Enable the Use of Evidence, https://ieg.worldbankgroup.org/sites/default/files/Data/reports/performance_based_budgeting_bb.pdf

16. “Tanzi, V. (2000). “Globalization, “Technological Developments, and the Work of Fiscal Termites”, Working Paper No.00/181, IMF

**Интернет ресурслари**

17. https://www.lex.uz/
18. https://www.norma.uz/
19. https://www.gov.uz
20. http://mineconomy.uz
21. https://stat.uz/
22. https://review.uz
23. http://www.uzbearingpoint.com/
24. https://minfin.gov.ru
25. http://www.ijmra.us
26. https://www.un.org/